

ТИПИК БҮЗ ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА МИКРОБИОЛОГИК ЎГИТИНИ ҒЎЗАГА ТАЪСИРИ

Б.И.Ниязалиев

ТошДАУ К.Х.Ф.Д, профессор

Г.Х. Рахимова

ТошДАУ асистенти

Д.Ш.Исмоилов

ТошДАУ талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7004863>

Аннотация. Уибу мақолада Байкал ЭМ-1 микробиологик ўгитини гўзани ўсиши ва ривожланишига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган. Гўзада Байкал-ЭМ-1 микробиологик ўгитни азотли фосфорли ва калийли ўгитлар билан биргаликда қўллаш, шу билан биргаликда минерал ўгитларсиз гўзани турли муддатларда ҳамда усулларда микробиологик ўгитни қўллаш орқали тадқиқот ўтқизиш ҳақида келтириб ўтилган. Байкал ЭМ-1 микробиологик ўгитини N-200Р-140К-100 кг/га фонида эскидан сугориладиган типик бўз тупроқлар шароитида қўлланилганда тупроқни агрокимёвий хусусиятлари ва ўсимликни озиқа моддаларни ўзлаштирилиши яхшиланиши маълум бўлган. Эскидан сугорилиб келинаётган типик бўз тупроқлари шароитида Байкал-ЭМ-1 микробиологик ўгитни минерал ўгитлар билан биргаликда ва минерал ўгитларсиз қўлланилганда уларни қўллаш муддатлари ва меъёрларини тупроқ ва ўсимликдаги агрокимёвий хусусиятларига, гўзани ўсиши, ривожланиши, пахта ҳосили ва толанинг технологик хусусиятларига таъсири бўйича илмий маълумотлар олинган. Микробиологик ўгит минерал ўгитлар фонида қўлланилганда гўза бўлакларида озиқа унсурларини миқдор ўзгаришига ва уларни ўзлаштирилишига таъсирини аниqlанган. Байкал ЭМ-1 микробиологик ўгитини N-200Р-140К-100 кг/га фонида эскидан сугориладиган типик бўз тупроқлар шароитида қўлланилганда гўзани ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир этиб, гуллаш-ҳосил туплаш даврида назорат вариантига (1вар.) нисбатан гўза тупининг бўйи 1,4 смга, ҳосил шохлари 1,2 донага, кўсаклар сони 1,1-1,4 донага ортиб, пахта ҳосилига ва сифатига ижобий таъсир этган.

Калим сўзлар: Байкал ЭМ-1, азот, фосфор, калий, ўсиши ва ривожланиш, гўза, кўсак, ўгит, минерал модда.

ВЛИЯНИЕ МИКРОБИОЛОГИЧЕСКОГО УДОБРЕНИЯ НА ХЛОПЧАТНИК В УСЛОВИЯХ ТИПИЧНЫХ СЕРОЗЕМОВ

Аннотация. В данной статье представлены сведения о влиянии микробиологического удобрения Байкал ЭМ-1 на рост и развитие хлопчатника. Отмечены применение на хлопчатнике микробиологического удобрения Байкал-ЭМ-1 в сочетании с азотными, фосфорными и калийными удобрениями, а также исследования на хлопчатнике без минеральных удобрений, с применением микробиологического удобрения в разные сроки и методами. Известно, что внесение микробиологического удобрения Байкал ЭМ-1 на фоне N-200R-140K-100 кг/га в условиях староорошаемых сероземов типичных улучшает агрохимические свойства почвы и усвоение питательных веществ растениями. В условиях типичных сероземов, длительно орошаемых, получены научные данные о влиянии микробиологического удобрения «Байкал-ЭМ-1» с минеральными удобрениями и без них на агрохимические свойства почвы и растений,

урожайность хлопчатника, и технологические свойства волокна. Установлено влияние микробиологического удобрения на фоне минеральных на изменение количества питательных веществ в кусочках хлопчатника и их усвоение. Внесение микробиологического удобрения Байкал ЭМ-1 Н-200Р-140К-100 кг/га в условиях староорошаемых типичных сероземов положительно влияет на рост и развитие хлопчатника по сравнению с контрольным вариантом (вариант 1), высота куста хлопчатника 1,4 см, урожайность ветвей увеличилась до 1,2 шт., количество коробочек увеличилось до 1,1-1,4 шт., что положительно сказалось на урожайности и качестве хлопчатника.

Ключевые слова: Байкал ЭМ-1, азот, фосфор, калий, рост и развитие, хлопчатник, коробочка, удобрение, минеральное вещество.

INFLUENCE OF MICROBIOLOGICAL FERTILIZER ON COTTON UNDER CONDITIONS OF TYPICAL GRAY SOILS

Abstract. This article presents information about the effect of microbiological fertilizer Baikal EM-1 on the growth and development of cotton. The use of microbiological fertilizer Baikal-EM-1 in combination with nitrogen, phosphorus and potash fertilizers on cotton, as well as studies on cotton without mineral fertilizers, using microbiological fertilizer at different times and methods are noted. It is known that the application of the microbiological fertilizer Baikal EM-1 against the background of N-200R-140K-100 kg/ha in the conditions of typical old-irrigated gray soils improves the agrochemical properties of the soil and the absorption of nutrients by plants. Under the conditions of typical gray soils, irrigated for a long time, scientific data were obtained on the effect of the microbiological fertilizer "Baikal-EM-1" with and without mineral fertilizers on the agrochemical properties of soil and plants, cotton yield, and technological properties of the fiber. The influence of microbiological fertilizer against the background of mineral fertilizers on the change in the amount of nutrients in cotton pieces and their absorption was established. The introduction of microbiological fertilizer Baikal EM-1 N-200R-140K-100 kg/ha under the conditions of old-irrigated typical gray soils has a positive effect on the growth and development of cotton compared to the control variant (option 1), the height of the cotton bush is 1.4 cm, the yield of branches has increased up to 1.2 pcs., the number of bolls increased to 1.1-1.4 pcs., which had a positive effect on the yield and quality of cotton.

Keywords: Baikal EM-1, nitrogen, phosphorus, potassium, growth and development, cotton, boll, fertilizer, mineral substance.

КИРИШ

Тупроқ шүрланиш даражаси ва сув танқислигининг йилдан - йилга ортиб бориши муносабати билан экинларни касаллик, зааркунанда ва стрессорларга нисбатан иммун тизимини ошириш, ҳар қандай нокулай шароитларда ҳам турғун, юқори ва сифатли ҳосил олиш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Шу боис, дунё миқёсида кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиширишда универсал, контактли таъсир этувчи стимуляторларга нисбатан талаб ортмоқда. Ўсишли созловчи, универсал таъсир этувчи моддалар нафақат ўсимликларни ўзиш ва ривожланишини бошқариш билан бирга, турли хил касаллик, зааркунандаларни олдини олишда, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишда ўсимликада кечадиган

физиологик ва биокимёвий жараёнларни тезлаштириб, экинларни тезпишар қилиб, ҳосил ва унинг сифатини яхшилади. Шу нұқтаи назардан Байкал ЭМ-1 микробиолигик үғитини эскидан сугориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ғўза экинида қўллаш меъёрлар ва муддатларини белгилаш ҳамда пахта ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Тупроқнинг унумдорлигини оширишда асосий ролни тупроқ микроорганизмлари ўйнайди ва у фойдали микроорганизмларсиз бўлмайди. Тупроқнинг унумдорлигини айнан, уларнинг микдори ва хилма-хиллигига боғлиқ. Соғлом унумдор тупроқнинг ҳар бир граммида 5 миллиардан ортиқ бактериялар бор. 1га майдоннинг соғлом тупроғи 25 см қатламида микроорганизмларнинг массаси 3 тоннани ташкил этиши мумкин. Биз тупроқ микрофлорасини тикламасдан, унумдорлигини ошира олмаймиз. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш технологиясида тегишли эътиборни фойдали тупроқ микрофлорасига қаратиш лозим. XXI аср биотехнология асли деб эълон қилинди. Ҳозирги кунда бутун жаҳонда аграрсоҳани ривожлантириш концепцияси қайтадан кўриб чиқилмоқда ва соҳани секин-аста жадал техногенли усувлар билан бошқаришда, дехқончиликда биотехнологияларни фаол қўллашга ўтилмоқда.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ғўза ўсимлиги асосан илдиз орқали озиқлантирилади. Бунда үғитлар асосан шудгор олдидан, экиш олдидан, экиш билан биргаликда ва амал даврида озиқлантиришда қўлланилиши кераклиги кўп йиллик тажрибаларда исботланган. Лекин, ғалла экинларини амал даврида илдиз орқали озиқлантириш учун қатор ораларига тупроқнинг маълум чукурлигига үғитларни қўллашнинг иложи бўлмаганлиги сабабли гарб мамлакатларида барг орқали озиқлантириш усули қўлланила бошлаган, ваҳоланки ҳозирги кунларда ҳам қатор ораларига ишлов бериш талаб этилмайдиган экинлар барг орқали озиқлантирилади.

Шундай экан, ўсимликларни барг орқали озиқлантиришнинг тарихига назар ташлар эканмиз, бу усулини инглиз олими Gris S. A. ва немис ботаниги Sachs J. лар 19-асрдаёқ қўллаганлари маълумdir.

Маълумки, ғўзада қўлланилган барча унсурлар ичидаги фақат азотгина баргдаги фотосинтезни тезлаштиради ва шунингдек хлорофиллни кўпроқ тўпланишини таъминлайди. Қолаверса азот ўсимликларнинг муҳим озиқа унсурларидандир. У оқсилни таркиб топишида иштирок этадиган барча аминокислоталар таркиби киради.

Қаҳдоров Э.М, Давроновалар М.Ў. [8; 380-381 б]таъқидлашича, ўсимликнинг минерал озиқланишида азотли үғитлар энг муҳим роль ўйнайди. Ўсимлик тупроқдан азотни минерал бирикмаларини ўзлаштиради ва оқсил моддаларга айлантиради. Үғит - бу ўсимлик озиқланиши ва тупроқ унумдорлигини оширувчи органик ва минерал модда хисобланади. Барча минерал үғитлар деярли ноорганик тузлардан ва ҳаво таркибидаги азотдан олинади.

Агрокимё фанининг асосчиси академик Д.Н.Прянишников азотни аҳамияти ҳақида шундай деган эди: “Азотсиз оқсил моддалари ҳосил бўлмаганидек, оқсилсиз хужайра протоплазмасини бўлиши мумкин эмас”. Азот шунингдек нуклеин кислоталари, хлорофилл, фосфатидлар, глюкозидлар ва бошқа органик моддалар таркиби киради, улар эса ўсимлик ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

Каримов Ш., Кувватов Ф. [7; 226-227 б.] тажрибаларида минерал ўғитлар суспензияси билан ғўзани гуллаш даврида озиқлантирилганда қўшимча ҳосил салмоғи 3,0-4,7 ц/га ортганганлиги кузатилган.

Тиллабеков Б.Х., Ниязалиев Б.И., Исмайилов Ж.И. [11; 86-90 б.] сув эрозиясига чалинган типик бўз тупроқларнинг ювилиш даражасига боғлиқ ҳолда унумдорлиги ўзгариши натижасида қўлланилган калийли ўғит меъёрлари ва муддатларининг ғўзадаги самарадорлигини хисобга олинган.

Ўсимлик баргларига таркибида азот бўлган суспензиялар сепилганда, эртаси куниёқ уларни рангти тўқ яшил бўлганлиги кузатилган.

Маълумки, ўсимликлар ўз талабларини асосан нитратли азотни ўзлаштириш хисобига қондиради. Амид ва аммонийли азотни нитратли шаклга ўтиши эса, бу кимёвий ўзгаришлар ва бактериялар фаолияти таъсирида бўлади. Азотни ўсимлик учун мақбул ҳолатга ўтиши секин асталик билан кечади, бу эса анчагина вақт талаб этади.

Тоштемиров О.А. [12; 50-51 б] маълумотларида келтирилишича , азотли ўғитларни катта меъёрларда сурункасига ишлатилиши нитрозоамин токсин заҳарли бирикмаларни тўпланишига, маҳсулотдаги нитрат ва нитритни кўпайишига олиб келиш билан бирга, инсон ва ҳайвонларнинг саломатлигига ҳамда улардаги модда алмашинувига салбий таъсири мавжудлиги айтилган. Бундан ташқари, азот-фосфор-калий нисбати мўътадил ҳолатда бўлса, тупроқнинг унумдорлик даражаси яхшиланибгина қолмай , ўсимликлар танасига заҳарли моддалар ўтишини камайишига олиб келади.

Хасanova Ф., Абдуалимов Ш., Ниязалиевлар Б. [13; 5 б] маълумотларида Гумимакс 0,8-1,0 л/т, Узгуми 0,7-0,8 л/т, Фитавак 200-300 мл/т, Альбит 50-75 мл/т меъёрлардаги стимуляторлар билан чигитларни экишдан олдин намлаш билан биргалиқда ишлов берилса, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш даврларида қурғоқчиликка, паст ҳароратга, жазира маисиқ каби экстремал ҳолатларга бардошлигини ортади, карбамид асосида тайёрланган суспензия билан аралаштириб, ғўзанинг шоналаш ва гуллаш даврларида 5-7 кг/га меъёрда баргидан озиқлантирилса, ўсиб ривожланишига ижобий таъсир этиб , ҳосилдорлик 10-15% ортиши келтириб ўтилган.

Тешаев Ф., Хасanova Ф., Абдуалимов Ш., Ниязалиев Б. [10; 5-6 б] хўза парварища сувдан самарали фойдаланишда эгилувчан қувурлар ёрдамида ҳамда эгат орасига плёнка (сув сарфини 10-15%, қатор орасига ишлов беришни 2-3 мартаға камайтиради) тўшаб сугоришга алоҳида эътиборга қаратилган.

Жуманова М.нинг [2; 6-8 б] маълумотларида келтирилишича, жаҳонда олиб борилган тадқиқотларнинг аксарияти таркибида гумин кислоталари бўлган оксидланган қўмирлардан, ўсимликларни ўстирувчи стимуляторлар ва органик минерал ўғитларни олиш усусларини ишлаб чиқиши такомиллаштириш бўйича олиб борилган бўлиб, лигнинларга аммоний гидроксид билан таъсир этиш орқали аммоний гумат стимулятори ҳосил қилинган.

Давронов Қ.А [6; 20-21 б] тажрибаларида “Биоэнергия” биостимулятори билан , ғўзани 3-4 чинбарг даврида 5 л/га, шоналаш даврида 6-7 л/га меъёрида барги орқали озиқлантирилганда, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишига ижобий таъсир этганлиги аниқланган.

Бўстонова О., МўйдиновХ. лар [1; 26-27 б] таъкидлашича КАСнинг мавсумий меъёри буғдой учун гектарига 500 кг, шолига 250 кг, маккажўхорига 300 кг, кунгабоқарга

100 кг, картошкага 190 кг, бөг дарахтларига 200 кг, помидор ва бодринг учун 200 кг қилиб белгиланган.

Нурматов Ш., Назаров Р. ва б. [3; 11 б] Оксигумат, Натрий гумат, Силк, Биоазот каби биологик фаол ўстирувчи моддалар Қашқадарё вилояти шароитида чигит экиш олдидан ва ўсув даврида қўлланилганда пахта ҳосили гектарига 2-3 цунтнерга ортганлиги аниқланган.

Байкал ЭМ-1 микробиологик ўғитни қишлоқ хўжалиги экинларида меъёр ва қуллаш муддатларини ўрганиш, уларнинг аҳамиятини аниқлаш, ишлатиш масалаларини ҳал қилишда Абдуалимов Ш.Х. [4; Б.92], Бурханова Д., У. [5; Б.44], Раупова Н.Б. [9; Б.78], ва бошқа олимлар илмий—тадқиқот ишларини олиб борганлар. Ўтказилган тадқиқот ва тажрибаларда Байкал ЭМ-1 микробиологик ўғитни тупроқка меъёрида солингандা уларнинг таъсирида ўсимликларда кечадиган физиологик жараён, фотосинтез ва нафас олишини яхшиланиши, ўсиш-ривожланишини тезлаштириши ҳамда гўнг ва органик ўсимлик қолдиқларини тез парчалаб, чириндига айланишини тезлаштирилиши аниқланган. Натижада тупроқдаги ўсимлик ўзлаштириши қийин кечадиган микроэлементларни парчалаб, осон ўзлаштирадиган ҳолатга келтиради.

Ўсимликларни баргдан озиқлантириш борасида ўтказилган илмий-тадқиқотларнинг қисқача тарихи, баргдан озиқлантиришни фотосинтез жадаллигига таъсири, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, касаллик ва зааркунандаларда чидамлилигини ошириш ва ниҳоят ғўзани баргдан озиқлантиришда ўтказилган дастлабки тадқиқотларнинг натижалари баён қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб экинларни баргдан озиқлантириш тадбирини илдиздан озиқлантириш билан тўғридан-тўғри таққослаш мумкин эмас. Баргдан озиқлантириш тадбири бу экинларни амал даврида озиқлантиришнинг бир шаклидир. Қолаверса баргдан озиқлантириш илдиздан озиқлантиришни тўлдирувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Юқорида келтирилган адабий маълумотларга кўра пахтачиликда маъдан ўғитлар асосида тайёрланган суспензия ҳамда “Байкал ЭМ1” препаратини илдиз ва барг орқали қўллаш меъёрларини самарадорлиги деярли ўрганилмаган. Бу борада Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида дала тажрибалари ўтказиб “Байкал ЭМ1” препаратини илдиз ва барг орқали қўлланилганда ғўзадаги мақбул муддатлари ва меъёрларини аниқлаш долзарб масала ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Дала тажрибаларини ўтказиш ва фенологик кузатувлар ЎзПИТИ услублари (2007) бўйича олиб борилди. Дала тажрибаларидан олинган тупроқ ва ўсимлик намуналарини агрокимёвий тахлили “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах”(1963) ва “Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии” (1977) усулномалари бўйича аниқланди.

Байкал ЭМ-1 микробиологик ўғитини минерал ўғитлар билан биргаликда ва минерал ўғитсиз қўлланилганда мақбул меъёр ва муддатларини тупроқни агрокимёвий хусусиятларига ҳамда ўсимликни ўсиши ва ривожланишига, пахта ҳосили ва сифатига қай даражада таъсир этаётганлигини аниқлаш мақсадида дала тажрибаси Тошкент вилоятини типик бўз тупроқ шароитида ўтказилди. Бу тупроқ қадимдан сугорилиб келинган бўлиб, механик таркиби ўрта кумоқли, ер ости сувлари чуқур жойлашган (18-20 м) жойлашган.

Дала тажрибасини бошлашдан аввал тупроқни ҳайдов (0-30 см) ва остики (30-50) смли қатламларидан намуналар олиниб, дастлабки агрокимёвий хусусиятлари таҳлил қилинди. Олинган маълумотларга кўра тупроқ қатламларига мутаносиб равишда гумус миқдори 0,860-0,620%, азот -0,016-0,013%, фосфор-0,226-0,188%, ни, ҳаракатчан шаклларидан N-NO₃-24,3-16,5; P₂O₅-25,5-15,1; K₂O-202,0-178,0 мг/кг ни ташкил қилган. Ушбу тупроқни агрокимёвий таҳлил натижаларига кўра, тупроқни ҳайдов қатламида (0-30 см) гумус билан ўрта даражада, нитратли азот, ҳаракатчан фосфор миқдорлари билан кам ва алмашинувчи калий билан ўрта даражада таъминланганлиги аниқланди.

Тажрибаларда қуйидаги минерал ўғитларни турлари қўлланилди: Аммиакли селитра (N-33-34 %), PS-Агро (N-4-5 %, P₂O₅-40 %), калий хлорид (K₂O-60%). Дала тажрибасида фосфорли ўғитларни йиллик меъёрини 60-70 %, калийни 50 % кузги шудгор олдидан, фосфорли ўғитларни қолган меъёрлари азотли ўғитлар билан биргалиқда гуллаш даврида, калий ўғити шоналаш даврида солинди. Азотли ўғитлар 3-марта ғўзани озиқлантириш муддатларида – 2-3 чин барг, шоналаш ва гуллаш даврларида солинди. Ғўзани Султон нави экилди. Байкал ЭМ-1 микробиологик ўғити тажриба тизимида муюфиқ қўлланилди. Тажриба вариантлари 3 қайтариқда олиб борилиб, ПСУЕАИТИ тажриба участкасида делянкалар майдони 4,8x30=144 м² ни, ҳисоблиси –72 м² ни, ташкил этди. Тажриба тизими 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал**Дала тажрибасининг тизими**

№	Минерал ўғит қўллаш йиллик меъёрлари,кг/г а			Байкал-ЭМ-1 микробиологик ўғитни қўллаш муддатлари			қўллаш меъёрлари , л/га
	N	P	K				
1	200	14 0	10 0	Назорат(Байкал-ЭМ-1 ўғити қўлланилмайди)			
2	200	14 0	10 0	Шудгор олдидан тупроққа ёмғирсимон равишида сепилади ва бороналади		10	
3	200	14 0	10 0	Чигит экиш олдидан тупроққа ёмғирсимон равишида сепилади ва бороналади		10	
4	200	14 0	10 0	Ғўза 3-4 чин барг даврида барг орқали озиқлантирилади		3,0	
5	200	14 0	10 0	Ғўза шоналаш даврида барг орқали озиқлантирилади		3,5	
6	200	14 0	10 0	Ғўза гуллаш даврида барг орқали озиқлантирилади		3,5	
7	200	14 0	10 0	Шудгор олдидан, чигит экиш олдидан тупроққа ёмғирсимон равишида сепилади ва бороналади, 3-4 чин баргда, шоналашда, гуллашда барг орқали озиқлантирилади.		10+10+3+3,5+3, 5	
8	-	-	-	Шудгор олдидан, чигит экиш олдидан		10+10+3+3,5+3,	

				тупроққа ёмғирсимон равища сепилади ва бороналади, 3-4 чин баргда, шоналашда, гуллашда барг орқали озиқлантирилади.	5
--	--	--	--	---	---

Эслатма: Фосфорли ва калийли ўғитлар тупроқдаги P_2O_5 ва K_2O миқдорларига боғлиқ ҳолда табақалаштириб қўлланилди.


Изланиш натижалари: N-200 P-140 K-100 кг/га фонида Байкал ЭМ-1 микробиологик ўғитини шудгор олдидан, чигит экиш олдидан ҳамда 2-3 чинбаргда, шоналашда ва гуллаш даври бошида қўлланилганда тупроқдаги нитратли азот, ҳаракатчан фосфор, алмашинувчи калий миқдорларини ўзгаришига таъсири борлиги аниқланди ҳамда ғўза ўсув даври мобайнида озиқа моддалар билан яхши таъминланиши N-200, P-140, K-100 кг/га фонида Байкал ЭМ-1 қўлланилганда бўлиб, ғўзани ўсиши, ривожланишига ижобий таъсир этди. Бунда ўсув даври бошида вариантлар орасида кескин фарқ кузатилмади. 1-июнда ғўза тупининг бўйи 13,0 ва 14,4 см, чин барглар сони 4,1-4,6 донани ташкил этди (1-2-расмлар).

МУҲОКАМА


Айниқса, ғўза гуллаш-хосил туплаш даврида, N-200 P-140 K-100 кг/га (фон) қўлланилган назорат (1) варианта (Байкал ЭМ-1 қўлланилмайди) ғўза тупининг бўйи 84,0 см, хосил шохлари 10,4 дона, қўсаклар сони дона 4,2 дона атрофида бўлиб, N-200P-140 K-100кг/га билан бирга Байкал ЭМ-1 10л/га шудгор олдидан қўлланилган 2-варианта назорат вариантига нисбатан (1вар.) ғўза тупининг бўйи 0,2 смга, хосил шохлари 0,2 донаага, қўсаклар сони 0,1 донаага ортиқ бўлди. N-200P-140 K-100кг/га билан бирга Байкал ЭМ-1 10л/га чигит экиш олдидан қўлланилган 3 варианта назорат вариантига нисбатан (1вар.) ғўза тупининг бўйи 0,4 смга, хосил шохи 0,4 донаага, қўсаклар сони 0,3 донаага ортди. N-200P-140 K-100кг/га билан бирга Байкал ЭМ-1 ғўза 3-4 чин барг даврида (3,0л/га) барг орқали озиқлантирилган 4 варианта назорат вариантига ғўза бўйи 0,6 смга, хосил шохи 0,6 донаага, қўсаклар сони 0,5 донаага ортганлиги кузатилди. N-200P-140 K-100кг/га билан бирга Байкал ЭМ-1 ғўза шоналаш даврида (3,5л/га) барг орқали озиқлантирилган 5 варианта назорат вариантига (1вар.) нисбатан ғўза тупининг бўйи 0,8 смга, хосил шохлари 0,8 донаага, қўсаклар сони 0,7 донаага ортди. N-200P-140 K-100кг/га билан бирга Байкал ЭМ-1 ғўза гуллаш даврида (3,5 л/га) қўлланилган 6 варианта назорат вариантига (1вар.) нисбатан ғўза тупининг бўйи 1,0 смга, хосил шохлари 1,0 донаага, қўсаклар сони 0,9 донаага ортди. N-200P-140 K-100кг/га билан бирга Байкал ЭМ-1 шудгор олдидан, чигит экиш олдидан сепилади, 3-4 чин баргда, шоналашда, гуллашда ($10+10+3,0+3,5+3,5$ л/га) барг орқали озиқлантирилган 7-вариантда назорат вариантига (1вар.) нисбатан ғўза тупининг бўйи 1,4 смга, хосил шохлари 1,2 донаага, қўсаклар сони 1,1 донаага ортди. Байкал ЭМ-1(минерал ўғитсиз) шудгор олдидан, чигит экиш олдидан сепилди, 3-4 чин баргда, шоналашда, гуллашда ($10+10+3,0+3,5+3,5$ л/га) барг орқали озиқлантирилган 8-вариантда назорат вариантига (1вар.) нисбатан ғўза тупининг бўйи 0,1 смга, хосил шохлари 0,1 донаага, қўсаклар сони 0,1 донаага фарқланганлиги кузатилди.

Ғўза ўсиб ривожланиш даврининг кўсаклар очилиш (1.09) вақтига келиб, N-200 P-140 K-100 кг/га (фон) қўлланилган назорат (1) варианта (Байкал ЭМ-1 қўлланилмайди) кўсаклар сони 9,4 дона, очилгани 2,8 донани (29,7 %) ташкил этган бўлса, N-200P-140 K-100кг/га билан бирга Байкал ЭМ-1 10л/га шудгор олдидан қўлланилган 2-

вариантда назорат вариантига нисбатан (1вар.) кўсаклар сони 0,2 донага ортиб, кўсаклар очилиши 30,2 % ни ташкил этди. N-200P-140 К-100кг/га билан бирга Байкал ЭМ-1 10л/га чигит экиш олдидан қўлланилган 3 вариантда назорат вариантига нисбатан (1вар)кўсаклар сони 0,4 донага ортиб, кўсаклар очилиши 31,6 % ни , N-200P-140 К-100кг/га билан бирга Байкал ЭМ-1 гўза 3-4 чин барг даврида (3,0 л/га) барг орқали озиқлантирилган 4 вариантда назорат вариантига нисбатан (1вар.) кўсаклар сони 0,6 донага ортиб, кўсаклар очилиши 32,0 % ни ташкил этди. N-200P-140 К-100кг/га билан бирга Байкал ЭМ-1 гўза шоналаш даврида (3,5л/га) барг орқали озиқлантирилган 5 вариантда назорат вариантига (1вар.) нисбатан кўсаклар сони 0,8 донага ортиб, кўсаклар очилиши 32,3 % атрофида бўлди . N-200P-140 К-100кг/га билан бирга Байкал ЭМ-1 гўза гуллаш даврида (3,5 л/га) қўлланилган 6 вариантда назорат вариантига (1вар.)кўсаклар сони 1,0 донага ортиб, кўсаклар очилиши 32,7 % атрофида бўлди .N-200P-140 К-100кг/га билан бирга Байкал ЭМ-1 шудгор олдидан, чигит экиш олдидан сепилади, 3-4 чин баргда, шоналашда, гуллашда (10+10+3,0+3,5+3,5л/га) барг орқали озиқлантирилган 7-вариантда назорат вариантига (1вар.) кўсаклар сони 1,4 донага ортиб, кўсаклар очилиши 33,3 % атрофида бўлди. Байкал ЭМ-1(минерал ўғитсиз) шудгор олдидан, чигит экиш олдидан сепилади, 3-4 чин баргда, шоналашда, гуллашда (10+10+3,0+3,5+3,5 л/га) барг орқали озиқлантирилган 8-вариантда назорат вариантига (1вар.) нисбатан кўсаклар сони 0,4 донага камайганлиги кузатилиб, кўсаклар очилиши 30,0 % атрофида бўлди.



1-расм. Минерал ўғит фонида (N-200P-140 К-100кг/га) Байкал ЭМ-1 қўлланилганда ўсимликни ўсиши ва ривожланишига таъсири (%).



2-расм. Минерал ўғит фонида (N-200P-140 K-100кг/га) Байкал ЭМ-1 қўлланилганда ўсимликни ўсиши ва ривожланишига таъсири (%).

ХУЛОСА

Гўзанинг ўсиб ривожланиши ва хосил элементларини тўпланишига нисбатан мақбул шароит N-200 P-140 K-100 кг/га фонида, Байкал ЭМ-1 микробиологик ўфитини шудгор олдидан 10 л/га, чигит экиш олдидан 10 л/га, 2-3 чинбаргда (3л/га), шоналашда (3,5л/га) ва гуллаш даври бошида (3,5л/га) қўлланилганда бўлиб, ғўза тупининг бўйи 1,4 смга, хосил шохлари 1,2 донага, кўсаклар сони 1,1-1,4 донага ортиб, пахта хосилига ва сифатига ижобий таъсир этди.

N-200 P-140 K-100 кг/га билан бирга Байкал ЭМ-1 бирга қўлланилганда тупроқдаги нитратли азот, харакатчан фосфор, алмашинувчи калий миқдорларини ўзгаришига таъсири борлиги аниқланди ҳамда ўсимликларни азот, фосфор, калий билан озиқланиши учун нисбатан мақбул шароит яратилди.

REFERENCES

1. Бўстонова О., Мўйдинов Х. Истиқболли маъдан ўғитлар юқори ва сифатли ҳосил гарови.“Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва қайта ишлашнинг тежамкор технологиялари ва уларнинг инновацион ечимлари “Республика илмий ва илмий-техник анхумани материаллари Фарғона 2017 йил 20-21 апрель 26-27 б.
2. Жуманова М.О. Ангрен қўнғир кўмири асосида комплекс ўғитлар ва ўсимликлар ўсиш стимуляторларини олиш технологиясини ишлаб чиқиши. // Докторлик диссертацияси автореферати.Тошкент, 2016. Б.6-8.
3. Нурматов Ш., Назаров Р., Алимухаммедов С., ва бошқалар. Қашқадарё вилояти шароитида пахтадан мўл ҳосил етиштириш омиллари. Тавсиянома.-Қарши, 2001.-Б 11
4. Абдуалимов Ш.Х. Ўзбекистон шароитида ўсишни созловчи моддаларни қўллаш технологиялари // Қишлоқ хўжалигига янги тежамкор агротехнологияларни жорий этиши. ЎзПИТИ мақолалар тўплами. -Тошкент, 2011. -Б. 127-129.
5. Бурханова Д.У.Суғориладиган типик бўз ва ўтлоқи тупроқларнинг ошириш йўллари(Тошкент вилояти мисолида) Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияавтореферати. Тошкент. 2019. - Б. 44.
6. Давронов Қ.А.Ғўза парваришида “Биоэнергия” биоўғитини қўллашнинг бир кўсакдаги пахта vazni ва ҳосилдорлигига таъсири.AGRO ILM5 [55]-SON,2018,20-16.
7. Каримов Ш., Қувватов Ф. Баргдан озиқлантиришнинг ғўза ҳосилдорлигига таъсири // Тупроқ унумдорлигини ошириш, ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни парваришлашда манба тежовчи агротехнологияларни амалиётга жорий этишнинг аҳамияти. Халқаро конференция мақолалар тўплами. ЎзПИТИ. -Тошкент, 2012. -Б. 226-227.
8. Қаххоров Э.М, Давронова М.Ў. Аммонийли селитранинг физик-химик ва физик-механик хусусиятлари. “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва қайта ишлашнинг тежамкор технологиялари ва уларнинг инновацион ечимлари”. Республика илмий ва илмий-техник анжумани материаллари.Фарғона 2017 йил 20-21 апрель 380-381 б.
9. Раупова Н.Б.Фарбий Тянь-Шань вертикал зоналликда тарқалган тупроқларининг ҳозирги экологик-генетик жиҳатлари ва унумдорлигини ошириш йўллари. Биология фанлари бўйича доктори (DSc) диссертация автореферати .Тошкент.2019.Б.78.
10. Тешаев Ф., Хасанова Ф., Абдуалимов Ш., Ниязалиев Б., Сув танқислиги шароитида ҳўзани парвариша ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги. Тошкент, 2021. №4. Б.5-6.
11. Тиллабеков Б.Х., Ниязалиев Б.И., Исмайлолов Ж.И. ирригация эрозиясига чалинган типик бўз тупроқлар шароитида қўлланилган янги турдаги калийли ўғитнинг нитратли азот динамикаси ва пахта ҳосилига таъсири Paxtachilik va donchilik илмий-амалий журнал 3 (3) 2021 –Б.86-90.
12. Тоштемиров О.А.Қишлоқ хўжалик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ўсимлик-тупроқ-ўғит тизимидан фойдаланишнинг экологик моҳияти.“Республика илмий ва илмий-техник анжумани материаллари.Фарғона 2017 йил 20-21 апрель 50-51б.
13. Хасанова Ф., Абдуалимов Ш., Ниязалиев Б. Май ойида ғўза парвариши // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Тошкент, 2016. №5. Б.5.